

А. Эргашев

филология фанлари доктори,

ҚаршиДУ, доцент

Резюме. Ўзбек уруғларидан бири қўнғиротларнинг номланиши, эпосда тасвирланиши ёритилади.

Таянч Сўз Ва Иборалар:достон, Кўнғирот, уруғ, номлаш, баҳии

Ўзбекистон халк баҳиси, Қаҳҳор Раҳимовдан ёзиб олинган “Кўнғирот” достони (1) ўзбек уруғларидан бири - қўнғиротларнинг шаклланиши, номланиши ва тарқалишини акс эттиради. Ўз уруғига мансуб қадриятлар. шажарани суриштириш ўзбекларининг Кўнғирот уруғида бошқаларга нисбатан ҳозир ҳам кўпроқ сақланган. Хусусан, Сурхондарё-Қашқадарё вилоятларида кексалар янги учрашган кишисидан сухбат жараёнида уруғини суруштиради. Уларга эса факат “Кўнғирот” деб жавоб қайтариш етарли эмас, балки Кўштамғали, Вақтамғали, Хонжиғали, Ойинли ва Тортувли эканини айтиш ҳам камлик қиласи. Энди уруғнинг навбатдаги бўлинишни айтгандан сўнггина сухбатдош Кўнғирот уруғига мансублигини тан олади.

Етти авлодни суриштириш энди бошланади. Шу аснода даврадагилар бир-бирига тоға-жиян, амаки, бўла (холабачча) тарзида кариндош бўлиб чиқади. Бу ҳудудда Кўнғирот уруғи вакиллари узоқ ва узун силсила бўлиб боғланадики, бошқа ўзбек уруғларида бу ҳол деярли унуптилган.

Гап Кўнғирот уруғи ҳақида кетаётган экан, бу достон оғзакиликка асосланган бадий асар бўлгани учун унда аниқлик, илмийлик йўқ дегани эмас. Ҳатто илмийлик асосида ёшларга қадриятлар ҳақида маълумот беришга ваъда бериб ёзилган илмий рисолаларда бор илмийлик, аниқлик бузилиб, сохта маълумотлар баён этилаётганда, “Кўнғирот” достонидаги ҳаётийлик, реаллик муҳимдир. Зеро, унинг ижрочиси олий маълумотли эканини, 40 йилдан ошик фурсатда адабиёт, тарих, халқ маънавиятини мунтазам ўрганиб келаётганини қайд этган ҳолда, Кўнғирот достонидаги, Кўнғирот уруғлари ҳақидаги далилларни биргина асар Э. Холиқов, М. Лафасов ва М. Рустамовларнинг “Меросимиз илдизлари”[2] номли илмий рисоласидаги далиллар билан таққослаймиз.

Ўзбек уруғларининг 92 талигини шу соҳа бўйича маҳсус тадқиқотлар олиб борган Кармишева, X. Дониёров каби олимлар ҳам тасдиқлайди. “Меросимиз илдизлари” рисоласи муаллифлари ёзади: “Кўнғиротлар бир қанча уруғ-аймоқларга бўлинган: тилаумат (аслида тиломмат-А. Э), маулиш (аслида мавлиш. -А. Э.), чуллик (аслида чўллик.- А.Э.), қора гурсак(аслида қора қурсоқ - А.Э.) ва бошқалар. Булар ҳам ўз навбатида ўнлаб кичик уруғ- аймоқлардан иборат бўлган. Биргина вахтамғали Кўнғирот уруқининг ўзи 66 гурухга бўлинган”.

Шу кичик парчанинг ўзида муаллифлар шунчалик чалкашлика йўл қўядики, рисолани олим кишилар ёзганига ишонмайсан ҳам. Яъни:

1.Кўнғирот уруғи дастлаб беш тармоқка (шохга) бўлинади: Кўштамғали, Вахтамғали, Хонжиғали, Ойинли, Тортувли (муаллифлар Вактамғали Вахтамғали, Хонжиғали Қанчиғали. Ойинли Айинни, тарзида қўпол бузиб ҳам қўрсатилган) Шундай экан. аввало. бу беш бўлинишни (Тортувли билан) ҳисобга олмай Кўнғирот тилауммат, маулиш ва хоказо тарзида урукқа бўлинади (3), дейиш хатодир.

2.Муаллифлар айтгандек, Вахтамғали (аслида Вактамғали) 66 уруғга бўлинмайди, балки 16 қисмга ажralади.

Биз муаллифлар ўз рисоласида Кўнғирот уруғи ҳақида ёзганда асосли манбаларга эътибор бермаганини, шу боис бу асар шу соҳадаги илмни тўлдиришга эмас, борларини ҳам чалкаштиришга хизмат қилишини уқтирган ҳолда, бундай илмий асардан кўра, бадиий асар бўлса ҳам, “Кўнғирот” достони кўпроқ илмий, аник маълумотлар бера олгани сабабли, фикримизни достонга қаратамиз.

Ўзбекларнинг тўқсон икки уруғига асос солган Ўзбеклибойнинг катта ўғли Маматқулбой, бўлиб уни ёшлиқда янгалари қўйган иккинчи номи билан Ғудрайбий деб ҳам аташарди (Кўнғирот келинларининг қайнотаси, эри, эрнинг укаси, синглиси, акаси, опаси номини айтмаслик, бошқа ном билан аташ одати ҳозиргача сақланиб келмоқда). Маматқулбой Гулзода исмли катта хотинидан Қиличбой, Ўроқбой, Чўтбой номли уч ўғил, кичик хотини Кумушбибидан Алиқул Бекжон, Ҳайдар Бекжон, Жонимқул Бекжон, Мулла Муродбек номли тўрт ўғил кўради. Болалар балогатга етавергач, катта хотини Гулзода ва уч ўғлида мол-дунёга эгалик ҳисси ошиб бораверади. Оқибатда Маматқулбой катта хотини ва тўнғич ўғлини баҳорги яйлов Олатовга тўрт отар мол бериб жўнатади. Ўзи эса Бухоро деган: мамлакатга кўчиб жўнайди. Қабила бошлиғи Ҳиммат сардор Маматқул ва одамларига жой беришдан аввал пойга ўтказишни таклиф қиласди. Маматқулбой қўнғир тусли отни миниб, Ҳиммат сардорнинг ўн чавандози билан пойгага қатнашади. Қараса пойгода қўнғир тусли чавандоз олдин келяпти. Одамлар: “Ким аввал келди” деб сўраганда, баковуллар:

“Кўнғир отли чавандоз ғолиб бўлди”, деб жавоб беришади. Ана шу ғолиблиги учун Ҳиммат сардор Маматқулбояга Сулувбека деган қизни тортиқ (совға) қиласди. Маматқулбой ундан бир ўғил кўриб, онаси тортиқ (совға) қилингани учун номини Тортувлибай қўяди. Маматқулбой қўнғир (қизил) отда юргани, зафар қозонгани учун у билан кўчиб келганларни қўнғир (қизил) отлилар, ўзини Кўнғиротли бобо, Кўнғирот бобо деб атайди.

Ана шу ўринда машҳур фольклоршунос Ҳоди Зарифовнинг Кўнғирот (уруг номи) атамасига берган изохини келтириш ўринлидир. “Тарихчилар ва этнографлар “Кўнғирот” бу мўғул кабиларидан бирининг номи деб келганлар Аммо “Алпомиш” эпосидаги “Кўнғирот” термини мўғул қабиласи “Кўнғиротга” ҳеч алоқаси бўлмаган демоқчиман. Бу термин уч сўздан ташкил топган. Биринчи сўз “қўн”-қўй сўзининг

қадимий шакли, айни вақтда қабила номи. Иккинчи сўз "ғир"- кўк, чопағон, учинчиси от маъносидадир. Қабила номи "Кўнғир от" сўзидан олинган. Терминнинг иккинчи қисми "ғир" тез маъносини, кулранг, оқ-қора, кўкиш, кўк маъноларини ҳам англатади. "От" билан қўшилиб, "чопқир от", чопағон маъноларини беради. Достонлардаги "Фирот" ҳам ҳаракат, тезлик, ҳам ранг-тусни билдиради".[3] Демак, Кўнғирот атамаси, халқдаги ҳозирги кўнғир (қизил, қизғиш) отли маъносини эмас, балки чопағон (илдам) отли қабила" маъносини англатади"(4). "Кўнғирот" достонида Маматқулбойнинг оти пойгода биринчи келгани ва уни "Кўнғирот", "Кўнғиротли" деб аташнинг ўзиёқ устоз фольклоршунос фикрларини асослайди.

Орадан йиллар ўтиб Бухоро қўрғонига ёв бостириб келганда, Ҳиммагбек сардор Кўнғирот ота (Маматқулбой) ва ўғилларидан ёрдам сўрайди. Маматқулбой ўзи жангга кирмаса ҳам, ўғиллари ва йигитларини бошлаб келиб, зафар қозонишда Ҳимматбекка кўмаклашади. Ҳимматбек ғолибларни тақдирлар экан, Маматқулбой (Кўнғирот ота)нинг катта ўғли Алиқул Бекжонга қўш тамға (муҳр, штамп) босилган ёрлиқ ва сонига қўштамға босилган от тортиқ қилди. Иккинчи ўғли Жониқул Бекжонга : "Ҳали бу вақтинчалик тортиқ, яна қаҳрамонлик кўрсатса, давомини Алиқул Бекжоннидай оширамиз", -деб вақтинчалик босилган бир тамғали ёрлиқ ва бир тамға босилган от инъом қилди. Учинчи ўғил Ҳайдарқул Бекжонга Ҳимматбекка ўзининг Хонжиғаси (хонлик белгиси) эсадалик деб кийгизди. Тўртинчи ўғил Муродбой билан кенжа ўғил Тортублибекка бир-бир от совға қилиб, бекликнинг ёрлигини бермади.

Кўнғирот ота пири Авлиёхондан Ҳимматбекнинг ўғилларига берган тортиқлари ва кейинги авлоди шажарасини сўраганда, Авлиёхон пир шундай тафсифлаб берди:

Бухоро беги Алиқул Бекжонга қўштамғали от тортиқ қилиди: Энди Алиқулнинг уллари Кўштамғали шохига, Жониқул Бекжонга вақтинча тамға берган бўлса, унинг уллари Вақтамғали шохига, хон Жигасини кийдирган учун Ҳайдарқул Бекжоннинг ўғиллари Хонжиғали шохига. Мулла Муродбой маросимдан озроқ норози бўлиб, ойнигандар бўлса, унинг уллари Ойинли шохига ажралади.

Тортублибек эса ўзини тортиб юраверсин",-деб каромат қиласи. Қахҳор бахши достонда Кўнғирот уруғининг беш шоха ва олтмиш тўрт шахобчасини қуйидагича келтиради.

I.Кўштамғали (Алижон Бекжондан): 1.Тўлангит.2.Тиловмат. 3.Мавлиш. 4.Қора қасмок 5.Кал. 6.Зомбири 7. Ўртоқи. 8.Чалика.9.Чолбачча. 10. Кўса. 11.Кўчахўр. 12.Банди-чучук (Бандикучук ҳам дейишади - А. Э) 13.Оқ пичоқ. 14. Сарви бузар.

II.Вақтамғали (Жониқул Бекжондан): 1. Бугажили. 2. Чўмичли. 3. Қайчили. 4 . Обоқли. 5. Ирғоқли. 6. Фоз ёёқли (Қозоёқли ҳам дейди- А. Э). 7.Қора кўнғирот. 8.Чаноқли (Чангчили). 9. Уюли (уювли). 10. Хондакли (хондақли). 11.Боймоқли. 12. Ишкили. 13.Кегичли. 14. Қорақошли. 15. Очамайли. 16. Қора тамғали.

III. Хонжиғали (Ҳайдарқул Бекжондан):1.Кўлдовли. 2.Желкиллак (Жолқиллоқ). 3.Кўртуғай. 4.Молтака. 5. Қора. 6.Туоқора. 7.Қорабувра. 8.Дуска 9.Гала. 10.Нуғай.11.Қуюн. 12.Чўллик. 13. Улус. 14.Қоракурсоқ.

IV. Ойинли (Мулла Муродбекдан): 1.Қовға (Қовда). 2.Қочай. 3.Қорақалпоқ. 4.Тўпор. 5. Бешбола. 6.Чуран. 7.Туркман ойинли. 8.Хожибачча. 9.Калбек. 10.Қора ойинли. 11. Оқтана. 12.Ойтамғали.

V.Тортувли. (Тортувлибекдан): 1.Тўғиз. 2.Ўр. 3. Мунка. 4.Обоқли. 5. Хурросон. 6. Чуноқ.

Бу ана шу маълумотлар, бу тасниф халқ хотирасида барқарор ифодасини топтан. Оғзаки хотирага ҳам ишонса бўлишига бу ёрқинн далил. Афсуски, бизда айrim пайлар ёлғон, нотўғри бўлса ҳам қўлёзмага, яъни ёзув хотирасига ишониш, суюниш устун туради.

Қахҳор бахши куйлаган “Қўнғирот” достони ўзбекларнинг йирик бир уруғининг келиб чиқиши, шажараси, шу уруғ аъзоларининг фазилатларини бадиий талқин этувчи, кўплаб урф-одатлар ва удумларни сақлаган, ахлоқий мезонлар кенг ёритилган асар сифатида аҳамиятлидир.

АДАБИЁТЛАР:

- 1.Қахҳор бахши Раҳимов. Қўнғирот. Қарши: Насаф, 2006.
- 2.Холиков Э. ва бошқалар "Меросимиз илдизлари".-Т.: Маънавият.2008
- 3.Кўрсатилган асар. 38-б.
- 4.Зарифов.Ҳ "Алпомиш" достонининг асосий мотивлари // “Алпомиш”- Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. -Т.: ФАН. 1999, 28-29-б